

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## МИЛЛИЙ ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ РИВОЖИ аҳоли саломатлигини сақлашнинг муҳим кафолати

Республикаимиз аҳолисини сифатли дори ва тиббиёт воситалари билан таъминлаш борасида самарали сарф-харакатлар, айниқ-

са, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга берилган имконият, яратилган имтиёзлар сабабли дори-дармон танқислиги барҳам топмоқда.



### Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Зангиота туманидаги "Dentafill Plus" фармацевтика корхонаси халқаро стандартларга тўла мос келувчи дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

– Дори ишлаб чиқариш ўта жиддий жараён, – дейди корхона директори Сардор Эсонбоев. – Шу сабабли, йилма-йил корхонамизга янги технология-



ларни келтиряпмиз, ишимизни такомиллаштириб, қўл меҳнатини камайтиряпмиз. Хатто, дориларни қадоқлашга ҳам алоҳида аҳамият берамиз. Барча лойиҳаларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги, илмий-тадқиқот ва махсус фармакология марказлари билан ҳамкорликда амалга оширамиз.

Сўнги йилларда корхона жамоаси Германия, Чехия, Швейцария, Ҳиндис-

тон каби хорижий давлатлардаги ҳамкорлар билан яқин алоқада ишлаши натижасида 30 миллион долларлик инвестицияни ўзлаштиришга муваффақ бўлди. Бу эса корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини янада ошириб, мамлакатимиз фармацевтика индустриясидаги йирик рақобатчилари билан тенглашиш имконини берди. Энг сўнги рўсумдаги асбоб-уску-

налар билан жиҳозланган корхона лабораториясида юқори малакали мутахассислар 120 турдаги дориларни тайёрлашмоқда. Қўз учун томчилар, турли витамин ва мазлар, сироп, суспензия, таблетка, капсула ва инъекция шаклидаги фармакологиянинг 22 гуруҳига мансуб мазкур дорилар сифат жиҳатидан хорижикидан асло қолишмайди. Энг муҳими, ишончли.

Ўтган йилда корхонада 80 миллиард сўмлик дори воситалари ишлаб чиқарилди. Унинг учдан бир қисми Қозғистон, Қирғизистон, Грузия, Беларусь, Афғонистон ва Тожикистон давлатларига экспорт қилинди.

**К. САЛОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири  
Мансур ҲИММАТОВ  
олган суратлар

## Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

### ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Олтинчи чақириқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг учинчи сессияси 2020 йил 5 февраль кuni соат 15:00 да чақирилсин.

Вилоят ҳокими **Р. ХОЛМАТОВ**  
Нурафшон шаҳри, 2020 йил 3 февраль

## Муносабат, мулоҳаза, таклиф

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи эътиборимни тортди. Шу боис, уни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш юзасидан ўз фикрларимни билдирмоқчиман.

## Жамоатчилик палатаси: НАЗОРАТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛИ

Бундан бир неча йиллар аввал камини Россияда жамоатчилик палатаси борлигини эшитиб, унинг фаолиятини ташкил этиш ва юриштир тибти билан танишиб чиққан эдим. Шу даврда маҳаллий кенгаш депутати сифатида бундай тартибни пойтахт вилоятида қўллаб қўриш таклифини ҳам киритгандим. Бундан ўша пайтдаги сафдошларимнинг хабарлари бор, афсуски, ижобий натижага эришолмаганмиз...

Хорижда кўрганим – жамоатчилик палатаси – бу жамиятни давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органлари билан муносабатини таъминлайдиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, манфаатлари ва қизиқишини ҳисобга олишни мақсад қилган ташкилот экан. Унинг асосий вазифаси оддий фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қонун ишлаб чиқиш жараёнида қай даражада ҳисобга олинаётганини ўрганиш ва назоратда ушлашдир. У кўнгиллилик асосида фаолият кўрсатади. Унинг аъзоларига маош тўланадими, аммо ҳудудий бирлашмаларига конференция ўтказганларида борди-келди, транспорт, ётоқ ва бошқа харажатлар тўланади.

Жамоатчилик палатаси, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга қонун ва давлат ижро органларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг расмий ҳужжат лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиши.

Вилоятларда Жамоатчилик палатаси – маслаҳат овози ҳуқуқига эга, у вилоятда давлат ва жамоатчилик органлари ўртасидаги муносабатларни таъминлайди.

Давоми 2-бетда ➡

"Илк қадам" ўқув дастури энг яхши халқаро амалиёт ҳамда Жанубий Корея таърибаси асосида ишлаб чиқилган таълим берилишини янги тизими ҳисобланади.

Дастурнинг асосий мақсади – ҳаёти давомида узлуксиз ривожланишга қодир бўлган шахсларни шакллантириш, болаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишдир.

## «ИЛК ҚАДАМ» САБОҚЛАРИ



Бўка туманидаги 7-мактабгача таълим ташкилотиде "Илк қадам" давлат дастури асосида бўлиб ўтган очик таълимий машғулотларда туман мактабгача таълим бўлимига қарашли муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда тарбиячилари иштирок этишди.

– Мазкур дастур болаларда ўқишга қизиқиш уйғота олиши билан аҳамиятлидир, – дейди муассаса услубчиси Нодира Иброҳимова. – Бугунги семинар шу дастур асосида январь ойида ўтилган "Тана аъзолари" таълимий машғулотларининг якунига бағишланган.

Давоми 2-бетда ➡

## «МЕН ШУ АЗИЗ ВАТАН ФАРЗАНДИМАН!»

Янгийўл шаҳридаги 5-мумтаълим мактабиде бўлиб ўтган фестиваль шундай номланди.



Беш ташаббус доирасида ташкиллаштирилган фестивалда ўқувчилар ўз қўллари билан ясаган буюмлари ва чизган суратларини намойиш этишди.

– Ўқитувчи ва мураббийларимиз дарс ўтишининг сифати ва савиясини кўтариш учун бор имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат

қилишмоқда, – дейди мактаб директори Эльвира Осмонова. – Мактабимизда 2 минг 150 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Уларни дарсдан ташқари турли тўғаракларга қамраб олганимиз. Бугунги кўргазма-фестивалда улар ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет тармоғидан унумли

фойдаланиш мумкинлигини ҳам намойиш этишмоқда. Бу йўналишда, айниқса, ёш конструктор, 9-синф ўқувчиси Миролим Қоражонов ва бошланғич программист, 8-синф ўқувчиси Раҳматилла Эркиновлар маҳорат кўрсатишди.

Шунингдек, тадбирда китобсевар ўқувчилар ўз севган адаблари шеърларидан ўқишди, мумтоз кўшиқлар ижро этишди. Айниқса, "Ватанпарвар" ҳарбий-спорт тўғараги аъзоларининг кўргазмалари чиқишларини барча қизиқиб томоша қилди.

Ўз мухбиримиз  
Мансур ҲИММАТОВ  
олган суратлар

## ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКА ИШ БОШЛАДИ

Оҳангарон шаҳрида янги оилавий поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилди.

"Янгилик" маҳалласи ҳудудиде бунёд этилган мазкур тиббиёт муассасасининг

очилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси масъуллори, шифокорлар, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

### Бунёдкорлик

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, жумладан, маҳалла врачлар тайёрлашни йўлга қўйиш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ай-

ниқса, касалликнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва бартарф этишда муҳим бўлган қишлоқ врачлик ва оилавий поликлиникалар фаолиятини ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Янги оилавий поликлиникада аҳоли учун барча зарур

тиббий шароитлар яратилган бўлиб, ҳудуддаги 38 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Муассасада 52 нафар шифокор, шу жумладан, 8 нафар умумий амалиёт, 44 нафар тор соҳа мутахассислари фаолият юритади.

Лойиҳа қиймати қарийб 7 миллиард бўлган бино



"Kushon Dizayn Qurilish" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилди. Икки қаватли замонавий тиббиёт муассасасининг 0,7 гектар-



дан иборат майдониде ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шу кuni "AKFA Medline" кўп тармоқли тиббиёт марказининг 12 нафар юқори

малакали шифокорлари томонидан янги поликлиникада ҳудуд аҳолиси бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

А. ХУДОЙҚУЛОВ  
ЎЗА

Ўзбек тилининг изоҳли луғатидан "жамоатчи" кимлиги қарасақ...

қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

мотларига кўра, ўтган йили ННТларнинг ҳисоб рақамлари 1 трлн. 864 млрд. 358 млн. сўмдан ортиқ маблаг тушган.

билан, шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари таркиби ва раҳбари ана шу вакиллик органлари тавсиясига...

ёрдамчиси (котиби) ва аъзолари этиб, ҳар бир сийёсий партиядан, ННТ вакилидан...

«ИЛК ҚАДАМ» САБОҚЛАРИ



«Билим олиш жараёнини тизимидаги қизқарли янгилардан яна бири боланинг ривожланиш картасидир...»

Жамоатчилик палатаси: НАЗОРАТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛИ

жамоатчиларни қўллаб уchrатиш мумкин. Улар жамоаси, маҳалласи, қолаверса, халқи, Ватани равнақи йўлида...

мизда 100 га яқин ННТлар бўлган бўлса, аини пайтда улар сони қарийб 10 миң атрофида (2019 йилги маълумот).

меъриий ҳужжатлар назоратини фақат давлат назорат органларига эмас, ҳар бир жараён ва воқелик устидан доимий кузатиш, кенг қамровли назоратни ташкил этишга қодир бўлган жамоатчилик ихтиёрига бериш мўлжалланмоқда.

моатчилик палатаси фаолиятини нафақат Республика, вилоятларда, шу жумладан, туман ва шаҳарларда ҳам ташкил этиш керак.

Давлат назоратининг эътиборидан четда қолаётган ишлар оз дейсизми? Давлат органининг «қўли этиб бормаган» жойга жамоатчилик назорати этиб бориши учун унинг микёси тўғри йўналтирилса...

Бошланғич 1-бетда

Бошланғич 1-бетда

ЖАМИЯТ – ИСЛОҲОТЛАР ТАШАББУСКОРИГА АЙЛНАДИ

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази ҳамда «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати вилоят бўлиқлари ташаббуси билан Нурафшон шаҳрида Президентимизнинг Олий Мажлиси йўлаган Мурожаатномасидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тўхта Янгийўл туманидаги «Маданият» маҳалласида «Эркатоё» номли мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди, дея хабар беради Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати.



«ЭРКАТОЙ» БОЛАЖОНЛАР УЧУН

Муассасанинг очилиш маросими катта шодийнага айланиб кетди. Унда туман ҳокими иштирок этиб, маҳалла аҳлини янги боғча билан қутлади.



Муҳтарам Президентимиз мактабгача таълим тизимига жуда катта эътибор қаратмоқда, – дейди туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Нилуфар Нормирзаева. – Бунинг самарасида қишлоқ жойларида ҳам замонавий, барча қулайликларга эга таълим ташкилотлари қад ростлаяпти. Бундан кўзланган асосий мақсад, албатта, фарзандлари мизининг ҳар томонлама етуқ, барқамол инсон бўлиб улғайишларини таъминлашдир.



Ўқув машғулоти тажрибали педагог ва тарбиячилар томонидан олиб борилади. Шунингдек, боғчада спорт тўғралоқлари ҳам ишлаб турибди.

Тадбир

Унда депутатлар, вилоятда фаолият олиб бораётган нодавлат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятини бошқа институтлари вакиллари иштирок этишди.

Қолаверса, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятини бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган таклифларини бериб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу маънода, жойлардаги Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар ва улар ҳузурда тузилган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятини бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссиялар, шунингдек, Ижтимоий шериклик бўйича коммиссиялар фаолиятини янада жаллаллаштириш зарур. Аиниқса, ижтимоий буюртмаларнинг берилишида, жойларда, яъни, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида аниқланган ижтимоий муаммоларга катта аҳамият қаратиш зарур. Сабаби, кўрсатиб ўтилган механизмлар ишлайдиган бўлса, бундан биринчи навбатда халқимизнинг кўнгли тўлади.

Бугунги кунда вилоятимизда 930 та нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд. Улар йўналиши турлича бўлгани билан умумий бир мақсад, яъни, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида фаолият олиб боради.

Йиғилиш якунида Мурожаатномада белгилаб берилган вазифалар муҳофиза қилиниб, келгусида амалга оширилаётган ишлар белгилаб олинди.

Зухриддин РАҲМОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири

Сарҳисоб

2019 йил вилоятимизда кўплаб соҳаларда туб ўзгаришлар ва катта муваффақиятларга эришилгани билан ёдда қолди. Биргина қишлоқ хўжалигини олайлик, галла, пахта ва пилладан юқори ҳосилдорликка эришилди. Хусусан, давлатга пахта топшириш режаси ортиғи билан бажарилганини алоҳида таъкидлаш ўринли.



Чунки, бундай юқори натижа қарийб 13 йилдан буён қайд этилмоётган эди.

Бу натижага қандай эришдик? Ер ўша, деҳқон ўша, сув ва агротехник тодбирлар ўша. Ҳўш, бериш неча йиллардан буён бундай натижага эриша олмаётган вилоятда нима ўзгарди?

БУГУННИНГ ШИДДАТИ – ЭРТАНИНГ ФАРОҒАТИ

Шубҳасиз, бундай марраларга эришишимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ислохотлар сабаб бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан вилоятда жами 6 та агрокластер ташкил этилди. Бу йўналиш ўзини тўлиқ оқлади.

Албатта, аини пайтда қилаётган барча сазъ-ҳаракатларимизнинг тағ замиришда одамларни рози қилиш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш каби эзгу мақсадлар муҳассам. Бу натижага эса ижтимоий соҳани, айниқса, тиббиётни яхшиламай туриб эришиб бўлмайди. Чунки, иссиқ жон борки, шифокорга, шифохонга иши тушади. Вилоятимизда ҳам мазкур соҳага оид кўплаб ишлар бажарилди. Хусусан,

Чиноз туманига 23 млрд. сўм, Тошкент туманига 17 млрд. сўм, Янгийўл туманига 34 млрд. сўм маблаг йўналтирилди. Ушбу маблаг эвазига тумандаги 30 йилдан буён таъмирланмаган қишлоқ оилавий поликлиникалари қайта реконструкция қилинди. Қувонарлиси, жорий йилда мазкур тумандаги 8 та оилавий поликлиникада қайта таъмирлаш ва қурилиш ишлари олиб борилади натижасида 200 миңдан ортиқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкони яратилди.

Шунингдек, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Оқўзгон туманидаги «Ҳамзаобод» ҳамда Янгийўл туманидаги «Умид» маҳаллаларидаги хонадонлар аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлмоқда.

Халқ бой бўлса...

Мамакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Шу давр мобайнида соҳага доир 50 дан ортиқ қарор ва фармонлар чиқарилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш концепциясига биноан бир йил давомида вилоятимизда тадбиркорлик субъектларининг сони 36 миң 808 тага етди. Шундан 21 миң 232 нафар яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти. Бу борада вилоятимиз етакчилик қилмоқда.

Шу ўринда экспорт бора-сидаги ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Утган йилда вилоятимиздаги қорхона ва заводларга 368,4 миллион АҚШ доллалай ишларга давлатга...

Миллий юксалиш сари

Ешларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган ишларга давлатга...

Утқирбек РАШИДОВ, Вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси ўринбосари

Шу кунларда Чимён тоғлари қор билан қопланган бўлиб, ўзгача тароват касб этган. Бу ерда сайёҳлар, спортчи ва дам олувчилар спорт билан шуғулланишлари, қиш зийнатидан баҳраманд бўлиб, саломатликларини тиклашлари учун борча шароитлар яратилган. Шу сабабдан, кўпчилик юртдошларимиз дам олиш кунлари оиласи ёки дўстлари билан тоғ ён-бағирларига отланишди. Аммо, Бўстонлик тумани Давлат хизматлари маркази ходимлари бошқа мақсадда йўлга тушишди. Яъни, улар мобил автобусда "Чимён" маҳалла фуқаролар йиғинига бориб, аҳолига сайёр хизмат кўрсатишди.

Унда Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари А. Тошпўлатов, вилоят Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи Т. Арипов, бошқарманинг туман, шаҳар бўлимлари мутасаддилари қатнашди.

## ЖИНОЯТ КАМАЙДИ, АММО УНИНГ БИТТАСИ ҲАМ КЎП

Вилоят Ички ишлар бош бошқармасида 2019 йил якунлари ва 2020 йилга мўлжалланган устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари А. Тошпўлатов, вилоят Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи Т. Арипов, бошқарманинг туман, шаҳар бўлимлари мутасаддилари қатнашди.

Йиғилишда соҳа ходимлари томонидан ўтган йилда жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, хавфсизликни таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича амалга оширилган ютуқлар қайд этилди, шунингдек, йўл

қўйилган камчиликлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Келтирилган маълумотларга кўра, вилоятда 2019 йилда умумий жиноятлар сони 2018 йилга нисбатан 6,8 фоизга камайди. 384 маҳаллада жиноятлар содир этилмаган, 186 маҳаллада эса жиноятлар сони кўпайган. Қайд этилишича, ҳокимлик, прокуратура, Миллий гвардия ва жамоат тузилмалари билан яқин ҳамкорликда амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирлари

яқин самара бермоқда. Йиғилишда қайд этилган камчиликлар кенг муҳокама қилиниб, ўз вазифасига масъулиятсиз муносабатда бўлган баъзи ходимларга тегишли интизомий чоралар кўрилди. Шунингдек, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликларнинг олдини олиш бўйича фидойий хизмат кўрсатиб, ҳамкасбларига ўрнатилган бўлган ходимлар эътирофи билан Яқунда келгусидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди ва уларни бажариш бўйича аниқ тавсиялар берилди.

Ўз мухбиримиз

## САЙЁР ХИЗМАТ ТОҒЛИКЛАР УЗОҒИНИ ЯҚИН ҚИЛДИ

Дастлаб марказ директори Сўҳроб Қосимов фуқароларга кўрсатиб келинаётган давлат хизматлари ҳақида батафсил маълумот берди. Сўнгра марказ мутахассислари махсус автобусда маҳалла аҳли ва дам олаётган юртдошларимизга сифатли ҳамда тезкор хизмат кўрсатишга киришди.



Шунингдек, аҳолининг судланмаганлиги, солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома, кўчмас мулк объектида курилиш ишларини амалга ошириш учун рухсат олиш, боғчага навбатга қўйиш ва йўлланма олиш, электр ҳисоблагичларини қиёсовдан ўтказиш каби муҳим хизматлар ҳам ижобий ечим топди.

Қишлоғимиз туман марказидан 33 чакирим олида жойлашган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жўлдибой Мадиев. — 900 дан ортиқ хонадонда 3 мингга яқин аҳоли истиқомат қилишгани ҳисобга олсак, деярли

ҳар куни фуқароларнинг бирор юмуш билан Давлат хизматлари марказига иши тушади. Айниқса, қишнинг совуқ кунлари марказга бориб келиш қийин кечади. Давлат хизматлари маркази мутахассислари мобил автобусда ўзлари келиб, ташвишимизни анча енгиллаштиришди. Ҳамкорликдаги бундай сайёр хизматлар мунтазам ўтказиб турилади.

**Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўлими**  
Аброр ЭСОНОВ олган сурат

## ЙПХ ИНСПЕКТОРИГА ПОРА БЕРМОҚЧИ БЎЛГАН ШАҲС УШЛАНДИ

Наманган вилоятида яшовчи М.А. Янгийўл шахрдан ВА3-2106 русумли автомашинани оғзаки келишув асосида сотиб олади. Аммо, буни нотариал идоралар орқали расмийлаштириб, автомашинани тегишли ҳужжатларсиз, шериги А.Р. билан Наманган вилоятига олиб кетаётган вақтида Ўрта Чирчиқ туманидан ўтувчи автомобиль йўлида хизмат олиб бораётган йўл-патруль хизмати инспектори томонидан тўхтатилади.



Тегишли ҳужжатлар текшириш учун сўралганда, ҳайдовчи уларни тақдим эта олмаган. Шу сабабли, ЙПХ инспектори ҳайдовчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексининг 135-моддасига биноан маъмурий баённома расмийлаштириб, автоуловни вақтинчалик жарима майдони-

га жойлаштиради.

Муқаддам безорилик жиноятини содир этиб, жазони ўтаган бўлсада, тегишли хулоса чиқармаган М.А. эса автомашинани эгасининг олдига бориб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, сўнгра машинани жарима майдонидан чиқариш ўрнига қинғир йўлни афзал кўради. У Ўрта Чирчиқ тумани

ИИБ ЙХБ бошлиғи, катта лейтенант Бобур Сидиқовнинг олдида боради. Ҳозирда унинг таништириб, маълум миқдордаги пора эвазига жаримани енгиллатиб, транспорт воситасини жарима майдонидан чиқариб беришни сўрайди.

Б. Сидиқов бу ҳақда суд билан вилоят Ички иш-

лар бош бошқармасига маълум қилади. Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро М.А. катта лейтенант Б. Сидиқовнинг хизмат хонасида унга 600 минг сўм миқдордаги пулларни пора сифатида бериётган вақтда ашёвий далиллар билан бир-

га, ҳолисалар иштирокида қўлга олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро М.А.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

**Рустам АСҚАРОВ,**  
вилоят ИИББ ЙХБ  
Ахборот хизмати бошлиғи

## Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташкини этиш вилоят комиссияси томонидан 2020 йил 11 март соат 10:00 да ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ



1. ШИ-3 "Кўмир кон – Наврўз маҳалласи" (Ангрен ш.)
2. Битта пакет билан:
3. ШИ-4 "Азотчи маҳалласи – Жалоир маҳалласи"
4. ШИ-5 "ЎзКТЖМ – 8 кичик ноҳия"
5. ШИ-10 "2 кичик ноҳия – Айланма"
6. ШИ-18 "КСМ-5-фермерлар уюшмаси"
7. ВХ-509 й.т. "Чирчиқ АШБ – ТТЗ АШБ – Тошкент Буюк Ипак йўли метро бекати" (Чирчиқ ш.)
8. ШИ-5 "Қалмоққир бекати – Намуна маҳалласи" (Олмалиқ ш.)
9. ШИ-6 "ДЕПО – Аммофос ОАЖ" (Олмалиқ ш.)
10. ШИ-6 "Ангрен деҳқон бозори – Олтин саралаш фабрикаси" (Ангрен ш.) (такрорий)
11. ШИ-8 "А.Навоий кўчаси – Аммофос ОАЖ" (Олмалиқ ш.)
12. ШИ-9 "Ҳаққарман маҳалласи – Болалар шифохонаси" (Ангрен ш.)
13. ШИ-10 "Дельфин оромгоҳи – Кончи ОАЖ" (Олмалиқ ш.)
14. ШИ-12 "Соғлом маҳалласи – Ангрен деҳқон бозори" (Ангрен ш.)
15. ШИ-15 "8 кичик ноҳия-5-фермерлар уюшмаси (шаҳар парки)" (Чирчиқ ш.)
16. ШИ-1 й.т. "МЖК – Оптика" (Янгийўл ш.)
17. ШИ-2 й.т. "ЧКСМК – 2 кичик ноҳия"
18. ШИ-2 й.т. "Қалмоққир бекати – Намуна маҳалласи"
19. ШИ-3 й.т. "6-сонли ўрта мактаб – Аммофос ОАЖ"
20. ШИ-3 й.т. "Тоҳир дўкони – Мурувват маҳалласи" (Ангрен ш.) (такрорий)
21. ШИ-4 й.т. "Оҳангарон шаҳар Ипотека банки – Шарқ кўчаси – 17-сонли мактаб – ЖКХ – Стадион – Деҳқон бозори – 8-сонли мактаб – Касб-хунар коллежи – Янги маҳалла"
22. ШИ-5 й.т. "Қалмоққир бошқармаси – 5/3 кичик ноҳия"
23. ШИ-8 й.т. "А. Қодирий маҳалласи – Тиббиёт коллежи"

24. ШИ-8 й.т. "Ангрен АШБ – Нозимхона – Ангрен АШБ (айланма)"
25. ШИ-11 й.т. "Қўрғонча кўчаси – 5/3 кичик ноҳия (Рух заводи орқали)"
26. ШИ-14 й.т. "Аппартак маҳалласи – Ангрен АШБ" (Ангрен ш.) (такрорий)
27. ШИ-21 й.т. "Соғлом маҳалласи – Ангрен деҳқон бозори" (Ангрен ш.) (такрорий)
28. ШИ-24 й.т. "Макро магазин бекати – ЭХП – Озиқ-овқат омбори бекати" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
29. ШИ-24 й.т. "Кўктерак маҳалласи – Ангрен деҳқон бозори" (Ангрен ш.) (такрорий)
30. ШИ-24 й.т. "Депо бекати – Чамбил маҳалласи" (Олмалиқ ш.) (такрорий)
31. ШИ-25 й.т. "Чинор маҳалласи – Айланма" (Чирчиқ ш.)
32. ШИ-26 й.т. "2-Азотчи – Ҳарбийлар шаҳарчаси" (Чирчиқ ш.)
33. ШИ-31 й.т. "Сут заводи – Аммофос ОАЖ (Алоқа бекати орқали)" (Олмалиқ ш.)
34. ШИ-34 й.т. "С. Оллаёр маҳалласи – Кўрпачасой кўчаси – Гултепа маҳалласи (Марказий бозор орқали)" (Олмалиқ ш.) (такрорий)
35. ВХ-203 "Лубзавод – Қўйлик АШБ"
36. ВХ-214 "Янги авлод маҳалласи – Жалоир маҳалласи"
37. ВХ-249 "Бўқа АШБ – Олмалиқ АШБ"
38. ВХ-254 "Бекобод АББ – Галаба ф/у"
39. ВХ-265 "Бекобод АББ – Мавлонов ф/у (4-бўлим)"
40. ВХ-266 "Бекобод АББ – Шолокор ф/у"
41. ВХ-267 "Бекобод АББ – Навбахор ф/у"
42. ВХ-268 "Бекобод АББ – Бекобод ф/у"
43. ВХ-292 "Янгийўл АШБ – Ўқитувчилар олийгоҳи"
44. ВХ-303 "Ангрен шаҳар деҳқон бозори – Оҳангарон АШБ"
45. ВХ-315 "Ангрен деҳқон бозори – 33 км"
46. ВХ-340 "Ангрен деҳқон бозори – Олмалиқ АШБ"
47. ВХ-379 "Паркент АШБ – Самсарак қишлоғи"
48. ВХ-382 "Янгибозор АШБ – Бўстон қишлоғи"
49. ВХ-394 "Бўқа АШБ – Бўстон МФЙ"
50. ВХ-406 "Нурафшон шаҳри – Бўқа АШБ"
51. ВХ-414 "Бўқа АШБ – Паркент ф/у"
52. ВХ-466 "Абдурахмонов ф/у – Чорсу савдо маркази"
53. ВХ-468 "Дам олиш уйи – Чорсу савдо маркази"
54. ВХ-483 "Култэпа маҳалласи – Чорсу савдо маркази"
55. ВХ-501 "Мой қишлоғи – ТТЗ АШБ (Ширин бозори орқали)"
56. ВХ-547 "Марказий шифохона – Хондойлик қишлоғи"
57. ВХ-593 "Қибрай тум. ИИБ Салар ШИМБ – Чилонзор буюм бозори"
58. ВХ-249 й.т. "Бўқа АШБ – Олмалиқ АШБ (Муротали орқали)" (такрорий)
59. ВХ-294 й.т. "Янгийўл – Сергели мавзеси"
60. ВХ-306 й.т. "Гулбахор шаҳарчаси – Халқобод кўрғони"
61. ВХ-309 й.т. "Оққўрғон АШБ – Янгийўл деҳқон бозори"

62. ВХ-338 й.т. "Тўқай Ёқа қишлоғи – Ангрен деҳқон бозори" (такрорий)
63. ВХ-345 й.т. "Нурафшон АШБ – Кучлик кўрғони – Аранчи МФЙ" (такрорий)
64. ВХ-350 й.т. "Ангрен деҳқон бозори – Серго маҳалласи" (такрорий)
65. ВХ-351 й.т. "Ангрен деҳқон бозори – С. Раҳимов ф.у." (такрорий)
66. ВХ-364 й.т. "Янгибозор АШБ – Ўртасарой кўрғони" (такрорий)
67. ВХ-374 й.т. "Паркент АШБ – Сўқоқ қишлоғи"
68. ВХ-377 й.т. "Янгибозор АШБ – Қорақалпоқ ф/у 2-бўлим" (такрорий)
69. ВХ-391 й.т. "Бўқа АШБ – Қўйлик АШБ"
70. ВХ-403 й.т. "Хондойлик қишлоғи – Фазалкент АШБ – Чирчиқ АББ"
71. ВХ-405 й.т. "Қизилтоғ қишлоғи – Паркент АШБ"
72. ВХ-406 й.т. "Қўйлик АШБ – Намуна маҳалласи"
73. ВХ-432 й.т. "Корасу кўрғони – Бурғалик қишлоғи"
74. ВХ-446 й.т. "Тошгўштшаҳарчаси – Жанубий вокзал АШБ"
75. ВХ-453 й.т. "Иттифоқ қ.ф.й. – Чорсу метро АШБ"
76. ВХ-454 й.т. "Иттифоқ маҳалласи – Жанубий вокзал АШБ"
77. ВХ-481 й.т. "Фишт завод – Чорсу метро АШБ"
78. ВХ-485 й.т. "Қишлоқ курилиш коллежи – Кўксарой маҳ. – Қизгалдоқ қ.ф.й."
79. ВХ-505 й.т. "Чирчиқ АББ – Хўжақўрғон қишлоғи"
80. ВХ-524 й.т. "Чирчиқ АББ – Қибрай АШБ"
81. ВХ-531 й.т. "Чирчиқ АББ – С. Нажимов божхона пости-Чегара блок пости"
82. ВХ-533 й.т. "Чирчиқ АББ – Уч қаҳрамон савдо мажмуаси"
83. ВХ-536 й.т. "Қипчоқ маҳалласи – Қизилту – 1-Туғуруқхона (Қибрай)"
84. ВХ-564 й.т. "Байтқўрғон қишлоғи – Ширин бозори орқали"
85. ВХ-570 й.т. "Чирчиқ АББ – Фиштқўрғон чегара блок пости"
86. ВХ-596 й.т. "Олмалиқ АШБ – А. Икромов қ.ф.й."
87. ВХ-612 й.т. "ТошДАУ – ТТЗ АШБ – Ёзувчилар уюшмаси санаторийси"
88. ВХ-616 й.т. "Бўқа АШБ – Олмалиқ АШБ (Сувти орқали)"
89. ВХ-631 й.т. "Қозоқовул – Оҳангарон АШБ"
90. ВХ-642 й.т. "Бўқа АШБ – Пискент АШБ (Сувти орқали)"
91. ВХ-644 й.т. "Чирчиқ АББ – Оқтош қишлоғи"
92. ВХ-653 й.т. "Нурафшон АШБ – Оҳангарон АШБ"
93. ВХ-670 й.т. "Янгибозор АШБ – А. Яссавий ф/у"
94. ВХ-673 й.т. "Чирчиқ деҳқон бозори – Янги Чиноз шаҳарчаси"
95. ВХ-680 й.т. "Чирчиқ АББ – Қизил ту"
96. ВХ-701 й.т. "Сурум қишлоғи – Вилоят марказий шифохонаси"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарорларига асосан, очик тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларини амалга ошириш

ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер тақлифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия қарточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас. Туғатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

**Тендер ташкилотчиси** – Тошкент вилояти ҳокимиясининг 2019 йил 26 июлдаги 575-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишини ташкил этиш вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили:** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Бек шоҳ" кўчаси, 189-уй.

Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда

йўловчилар ташишини ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳисоб рақамига АТБ "Ипотека банк" Чилонзор бўлими, х/р: 401410860426273422967279 (банк коди: 00997, СТИР: 202811527)га 50 минг сўм миқдорда маблағ ўтказиб, 2020

йил 6 март соат 17:00 гача буюртма беришлари ва тендер ҳужжатлари пакетини олишлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишини ташкил этиш вилоят комиссияси тендер тақлифларини 2020 йил 10 март соат 17:00 гача қабул қилади.

Реклама ва эълонлар

Тошкент вилояти,  
Бўстонлик тумани,  
Чорбоғ кўрғонида  
жойлашган  
**«GREEN FOREST DELIKAT»**  
масъулияти  
чекланган  
жамиятига

тегишли ер майдонида "Боғдорчилик-узумчилик ширкати"ни ташкил этиш юзасидан Бўстонлик тумани ҳокимиясининг 2011 йил 21 сентябрдаги 1323-сонли қарорига асосан ишчи-ҳодимларга дала-ҳовли уйлари қуриш учун 0,06 сотихдан ер майдони ажратилган эди.

Ҳозирда ширкат аъзолари томонидан ажратилган ер майдонларига давлат солиқлари тўланмаганлиги, "Боғдорчилик-узумчилик ширкати"нинг бадал йиғимлари йиғилмаётганлиги ҳамда ажратилган ер майдонларида ободонлаштириш ишлари бошланмаганлиги сабабли ишчи-ҳодимларга ер майдонлари ажратиш тўғрисидаги қарор эълон чиққан сана (2020 йил 5 февраль)дан бекор қилинади.

Паркент туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1995 йилда Тажиқулова Алина Балтабаевна номига берилган АО № 026372 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

**Тендер ўтказиш манзили:** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Бек шоҳ" кўчаси, 189-уй.  
**Маълумот учун телефон:** (+99871) 202-05-00(214).

